

3-10-2020

## THE PRINCIPLES OF ABSTRACTING IN VOCABULARY

Муҳайё Каримовна Ҳакимова

*Алишер Навоий номдаги ТошДўТАУ филология фанлари номзоди, доцент*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Ҳакимова, Муҳайё Каримовна (2020) "THE PRINCIPLES OF ABSTRACTING IN VOCABULARY," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 2 : Iss. 3 , Article 79.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss3/79>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

---

## THE PRINCIPLES OF ABSTRACTING IN VOCABULARY

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
OLII VA ЎRTA MAHSUS  
TALIM VAZIRLIGI**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2020 йил 3 сон**

## ЛЕКСИКАДА АБСТРАКТЛАШИШ ПРИНЦИПЛАРИ

Ҳакимова Муҳайё Каримовна  
Алишер Навоий номдаги ТошДўТАУ  
филология фанлари номзоди, доцент

**Аннотация:** Абстракт ва конкрет сўзлар зиддиятига икки хил: умумлаштирувчи ва айирувчи абстракция натижаси асос бўлган. Конкрет номлар умумлаштирувчи абстракция натижасида ҳосил бўлган умумий белги, хусусиятлар асосида шаклланган тушунчаларни атайди. Айирувчи абстракцияда оламда объектдан ажралган ҳолда бўлиши мумкин бўлмаган белги, хусусият, ҳолат, ҳаракат объектдан ажратилган тарзда, алоҳида воқелик сифатида тафаккур қилинади, номланади. Мазкур абстракцияда белги, хусусият, ҳолат, ҳаракатнинг ташувчиси эътибордан соқит қилинади.

**Калит сўзлар:** абстракция, лисоний абстракция, лексик абстракция, умумлаштирувчи абстракция, айирувчи абстракция, абстракт сўзлар, конкрет сўзлар.

### ПРИНЦИПЫ АБСТРАГИРОВАНИИ А ЛЕКСИКЕ

**Аннотация:** Антиномия абстрактных и конкретных слов является результатом двух видов абстракции: обобщающей и изолирующей. Конкретные имена называют понятия, образованные на основе общих признаков, особенностей, являющихся результатом обобщающей абстракции. В изолирующей абстракции признаки, особенности, состояния, действия, в реальности не существующие отдельно от его объекта, представляются и называются как отдельные от объекта субстанции, как обособленная действительность. В данном виде абстракции абстрагируется объект признака, особенности, состояния, действия.

**Ключевые слова:** абстракция, лингвистическая абстракция, лексическая абстракция, обобщающая абстракция, изолирующая абстракция, абстрактные слова, конкретные слова.

### THE PRINCIPLES OF ABSTRACTING IN VOCABULARY

**Abstract:** The antinomy of abstract and concrete words is the result of two types of abstraction: generalizing and isolating. Specific names are called concepts formed on the basis of common features, features that are the result of a generalizing abstraction. In an isolating abstraction, signs, features, states, actions that in reality do not exist separately from its object, are presented and called as substances separate from the object, as a separate reality. In this type of abstraction, the object of the sign, feature, state, action is abstracted.

**Key words:** abstraction, linguistic abstraction, lexical abstraction, generalizing abstraction, isolating abstraction, abstract words, specific words.

Абстракция инсоният эришган энг катта ютуқлардан биридир. Абстракция жараёнининг натижаси ўлароқ фикрлаш осонлашди, тушунча вужудга келди, тил шакланди. Ҳар қандай тилнинг асосида абстракция жараёни мавжуд

бўлади. Фонетик-фонологик сатҳдан синтактик сатҳ бирликларигича абстракция маҳсулидир.

Лексик сатҳ бирликларининг, жумладан, номловчи сўзларнинг шаклланишида абстракция жараёни муҳим ўрин тутди. Конкрет ёки абстракт тушунчаларни ифодалашдан қатъи назар муайян тушунчани номловчи ҳар қандай сўзда абстракция мавжуд. Чунки мазкур сўзлар маъноси замирадаги тушунча абстракция жараёнининг натижасидир. Маълумки, тушунча предмет ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим белгиларини акс эттирувчи тафаккур шакли бўлиб, унда бир турдаги предметларнинг муҳим бўлмаган белгилари эътибордан четда қолади, фақат муҳим белгиларигина умумлашади. Масалан, «бола» тушунчасида жамики ёши кичик инсонларнинг умумий хусусиятлари акс этади.


Тушунча предметнинг номуҳим белгиларидан четлашар (абстрактлашар) экан, демак, уни тўлалигича акс эттира олмайди. Бу маънода у ҳиссий билиш шаклларига нисбатан борлиқдан узоқроқда туради. Лекин, тушунча предметнинг муҳим белгиларини инъикос қилиши, моҳиятини акс эттириши билан ҳиссий билиш шаклларига нисбатан борлиқни чуқурроқ, тўлароқ ифода этади. Масалан, баргнинг яшиллигини кўрамиз ва у борлиқ билан бевосита боғлиқ. Нима учун айнан яшил рангда эканлигини ақлий билиш орқали англаймиз. Бу эса кўришга нисбатан баргнинг моҳиятини тўлиқроқ очиб беради. Лекин нима учун яшил эканлигини англаш учун унинг яшиллигини ҳиссий билиш керак.

Абстракт ва конкрет сўзлар зиддиятига икки хил: умумлаштирувчи ва айирувчи абстракция натижаси асос бўлган. Конкрет номлар яхлит, бутун предметлар ва уларнинг синфини, яъни нарсаларни, тирик жонзотларни, жараёнларни, воқеаларни, табиат ҳодисаларини номлайди. Улар умумлаштирувчи абстракция натижасида ҳосил бўлган умумий белги, хусусиятлар асосида шаклланган тушунчаларни атайди.


Умумлаштирувчи абстракцияда оламда алоҳида-алоҳида ҳолда мавжуд нарсалар маълум тушунча ва ном остида умумлаштирилади. Абстракциянинг бу турида умумлаштириладиган нарсалар (предмет, белги, ҳаракат, ҳолат)нинг ўхшаш томонлари эътиборга олиниб, ўзига хос томонлари эътибордан соқит қилинади. Масалан, оламда *атиргул, лола, лолақизгалдоқ, бинафша, бойчечак, мойчечак* каби кўплаб гуллар мавжуд. Уларнинг ҳар бири ўзига хос бўлиб, атиргул лолага ўхшамайди, лола бинафшага ўхшамайди. Лекин уларнинг ҳаммаси битта ном билан аталади, «гул» номи остида бир тушунчага бирлашади. Бу инсониятга берилган неъматлардан тафаккур ва тилнинг абстракциялаш жараёни маҳсулидир. Агар умумлаштирувчи абстракция жараёни содир бўлмаса, оламдаги барча табиий ва инсон қўл билан яратилган нарсалар, инсонлар, ҳайвонлар, ўсимликлар, белги, миқдор, ҳолат, жараён, ҳаракатлар барчаси алоҳида-алоҳида номлар билан аталса, тасаввур ҳам қилиш қийин, нима содир бўлишини. Инсон онги бу оғир юкни кўтара олармиди? Ёки унинг бор имконияти уларни эслаб қолишга қаратилармиди? Уларнинг барчасига янги ном қўйишга тил имкониятлари етарли бўлармиди? Масалан, 45 дақиқа давом этадиган дарсда ўқитувчи бир неча бор тингловчиларга нисбатан «ўқувчилар» дея мурожаат

қилади. Агар умумлаштирувчи «ўқувчи» сўзи бўлмаса, ҳар бир тингловчининг номи бирма-бир айтиб чиқилса, дарс ҳам охирига етиб қолади.

Одам сўзи homo-sapiens турига мансуб сон-саноксиз индивидларни номлайди. Ушбу индивидлар турли-туман бўлиб, улар макон, замон, ирқ, жинс, ёш, бўй, ҳажм ва турли нуқтаи назарлардан фарқланади. Лекин одам сўзи замиридаги тушунчада сон-саноксиз индивидларнинг барчасида мавжуд бўлган белгилар (онгли, ижтимоий жонзот) умумлашади, ўзига хос фарқли томонлари эътиборга олинмайди. Эътибордан четда қолган белгиларнинг долзарблашуви бошқа тушунчалар ҳисобига амалга ошади: аёл, эркак, чол, кампир, бола, йигит, негр, ... Демак, умумлаштирувчи абстракцияда битта тушунчада умумлашувчи предметларнинг ўхшамайдиган белгилари эътибордан четлаштирилади.




1-расм. Инсон сўзида умумлаштирувчи абстракция



2-расм. Аёл сўзида умумлаштирувчи абстракция

Абстракциянинг яна бир тури – айирувчи абстракциядир. Унда оламда объектдан ажралган ҳолда бўлиши мумкин бўлмаган белги, хусусият, ҳолат, ҳаракат объектдан ажратилган тарзда, алоҳида воқелик сифатида тафаккур қилинади, номланади. Мазкур абстракцияда белги, хусусият, ҳолат, ҳаракатнинг ташувчиси эътибордан соқит қилинади. Бунда ажратилган объектлар гносеологик характерда бўлиб, уларни фақат ақл орқали билиш мумкин. Ушбу воқеликларни номловчи сўзлар абстракт сўзлар дейилади.

Абстракциянинг мазкур турида предмет ва ҳодисаларнинг хусусият ва муносабатлари объектдан фикран ажратилиб, онгда алоҳида субстанция сифатида анланади. Бунда мазкур ажратилган хусусият, муносабатнинг объекти ҳаёлан ёки фикран эътибордан четда қолади. Масалан, «яхшилиқ» инсоннинг хусусиятларидан бўлиб, ушбу номда мазкур хусусият объектдан, яъни инсондан ажратилган. *Яхшилиқ* номи атаётган тушунчада реал оламда инсондан айри тарзда мавжуд бўлмаган хусусият инсондан ажратилган ҳолда алоҳида субстанция сифатида умумлашган. Аввал хусусият мақомидаги тушунча субстанцияга айланар экан, табиийки, энди унинг ҳам ўзига хос белгилари, хусусиятлари шаклланади. Масалан, *яхшилиқ* лексемасида «кимгадир ёки нимагадир фойда келтириш», «ижобийлик» каби белгилар мавжуд.



3 - расм. Инсон сўзида айирувчи абстракция

*Юрак* ва *кўнгул* сўзларини қиёсан таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. *Юрак* конкрет сўз бўлиб, қон айланиш тизимини тартибга солиб турувчи аъзони номлайди. Инсоннинг ҳам, ҳайвонларнинг ҳам қон айланиш тизимини бошқариб турувчи аъзоси *юрак* дейилади. Демак, *юрак* тушунчасинининг шаклланишида бир турдаги предметларнинг умумий ва муҳим жиҳатлари эътиборга олиниб, муҳим бўлмаган ноўхшаш жиҳатларига эътибор қаратилмаган. Яъни бир турдаги предметларнинг умумий томонлари индивидуал белгиларидан ажратилган ва миқдор жиҳатдан кўп, сифат жиҳатидан турлича бўлган предметлар ҳақида ягона тушунча шакланган. Бу умумлаштирувчи абстракция натижасидир. *Юрак* ташувчисидан алоҳида тарзда мавжуд бўлмаса ҳам, у бутуннинг қисми, организмда маълум локаликка ва худудий

чегарага, шаклга, рангга, ҳидга, оғирликка эга. Яъни у бевосита кузатишда берилган. Шунинг учун тил эгаларида юрак ҳақида аниқ тушунча ва образ мавжуд.

*Кўнгул* абстракт сўз бўлиб, кишининг ҳис-туйғу ва кечинмалари манбаини номлайди. Барча инсонларда ҳис-туйғу, кечинмалар турлича эканлигини ҳисобга олсак ва у *кўнгул* сўзи билан аталишини назарда тутсак, бу ўринда ҳам умумлаштирувчи абстракция амалда бўлаётганини кузатишимиз мумкин. Масалан, кимнингдир шафқатсиз, кимнингдир соф инсоний туйғуларининг манбаини номлашда умумий белгилар муҳим бўлмаган белгилардан ажратилган ва *кўнгул* сўзи билан номланган. Бу сўзнинг шаклланишига ҳам умумлаштирувчи абстракция асос бўлган. Лекин *кўнгул* сўзида яна бир абстракция тури амалда бўлмоқда. *Кўнгул* организмда маълум локалликка ва ҳудудий чегарага, шаклга, рангга, ҳидга, оғирликка эга эмас. У бевосита кузатишда берилмаган. Яъни *кўнгул* деган аъзо йўқ. Инсон ўз туйғуларини амалий тарзда эмас, фикран маълум бир манбага бирлаштирамоқда. Бу моҳият ғносеологик табиатга эга. Ушбу туйғулар манбаи инсондан, унинг онгидан айри ҳолда мавжуд эмас. Лекин айирувчи абстракция сабаб у инсондан ажратилди ва алоҳида субстанция сифатида номланди. Демак, абстракт номларнинг шаклланишида ҳам умумлаштирувчи, ҳам айирувчи абстракция асос бўлади.

Ҳар қандай ажратилиш ҳам абстракцияга мисол бўла олмайди. Обьектив оламда белгини, муносабатни предметдан ажратиб бўлмагани ҳолда қисм бутундан ажратилади. Амалий тарздаги ажратилишлар маконда содир этилиши мумкин бўлса, айирувчи абстракция эса маконга эгалик хусусиятига эга эмас. Масалан, дарахтдан шохни, шохдан баргни ҳам фикран, ҳам амалий ажратиш мумкин. Яъни обьектив оламда дарахт ҳам, шох ҳам, барг ҳам ва уларни ифодаловчи ном ҳам мавжуд. Лекин абстракциянинг бундай ажратилишдан фарқлаш лозим. Одамдан ақл ёки дўстликни, гулдан гўзалликни, боладан беғуборликни амалий тарзда ажратиб бўлмайди. Бундай ажратилиш, яъни абстракция (айирувчи абстракция) инсон онгининг, ақлий мушоҳадасининг маҳсулидир. *Ақл, дўстлик, гўзаллик, комиллик* обьектив оламда алоҳидаликлар тарзида мавжуд бўлмаса-да, абстракция натижасида жамият аъзолари онгида ушбу белги ёки муносабатлар предметдан ажратилиб, алоҳида тушунча сифатида шаклланди ва бу абстракт тушунчалар тил эгалари томонидан алоҳида номланди. Шунини таъкидлаш керакки, абстракт сўзлар атаётган белги, ҳолат, муносабат ва тушунчалар идеал олам унсурлари эмас. Лекин мазкур воқеликлар ташувчиси билан мавжуд. Масалан, «эзгулик» инсоннинг белгиси, у бор ва мавжуд. Фақат у оламда эгасидан – инсондан алоҳида мавжуд эмас. Ёки «ҳаё», «андиша», «ибо», «орият» каби моҳиятлар бор. Мазкур моҳиятлар ўзбек халқидан айро ҳолда мавжуд бўла олмайди. Уларнинг эгасидан ажратиб, алоҳида субстанция сифатида номланиши айирувчи абстракция натижасидир.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, конкрет ном ҳисобланган *кўз, қош, қўл, юрак* кабилар ҳам инсондан ташқарида мавжуд эмас. *Кўз, қош, қўл, юрак* – инсоннинг тана қисмлари. Мантиқан мазкур қисмлар инсондан айри ҳолда мавжуд бўлиши мумкин эмас. Қисмларнинг бутунни ташкил этувчи чегаралари аниқ бўлади ва одатда, қисмлар бевосита кузатишда берилган бўлади. Масалан, қошни, бошни кўриш мумкин. Лекин эзгуликни кўриб бўлмайди. У ақлий билиш орқали англанади.



Айирувчи абстракция ва ажратилиш ҳодисасини фарқлаш лозим. Ташувчисидан ажратилган ҳар қандай воқелик ажратилиш ҳодисасининг натижасидир. Масалан, муздан ажратилган совуқлик, қордан ажратилган оқлик, тошдан ажратилган қаттиқлик, овоздан ажратилган майинлик ажратилиш ҳодисасига мисол бўла олади. Инсон тафаккури музга, қорга, тошга, овозга хос бўлган белгиларни улардан ажратиб, алоҳида мустақил объект сифатида тафаккур қилмоқда. Лекин мазкур ажратилган белгилар ҳиссий билиш орқали идрок қилиниши мумкин. Айирувчи абстракцияда эса ажратилган белги-хусусият, ҳолат ва ҳаракатларни сезги аъзолари ёрдамида билиб бўлмайди. Улар фақат ақл ёрдамида англанади. Масалан, инсондан ажратилган «одамийлик» хусусиятини фақат англаш мумкин. Шу нуқтаи назардан ажратилган сўзларнинг абстракция даражаси абстракт сўзларнинг абстракция даражасидан паст ҳисобланади.

References:

1. Бюиссанс. Э. Абстрактное и конкретное в лингвистических фактах: речь-дискурс-язык // Political science (RU), 2016, N 3. – С. 209-216.
2. Фалсафа. Энциклопедик луғат. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2010. – С. 5-6.
3. Хакимова М. Ўзбек тилида абстракт номлар семантикаси. Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – 70 б.

**PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES**

1	Гелийсимон атомларнинг тўла энергиясини “ғалаёнланиш методи” ёрдамида ҳисоблаш. Тохиржонов М, Махмудов А, Мамажонова Н, Сайдалиев Э, Иноятов Ш.....	3
2	Differential games of the second order with integral constraints Samatov B.T, Inomididinov S.N, Umaralieva N.T, Uralova S.I.....	8
3	On weakly periodic ground states for the sos model Абраев Б.....	14
4	Асимптотические свойства полупараметрических оценок от квантильных функции в модели случайного цензурирования с двух сторон Холмурадов Ф.М.....	21
5	Приближённое решение нелинейных систем уравнений в математических пакетах Имомов А.....	28
6	Изучения методов регистрации радиоактивных излучений и частиц в курсе физики в средних школах Якубова Ш.Қ, Юлдашева Ш.А, Тошқўзиев Р.А.....	33
7	Решение задачи распределения управляемых ресурсов сил с помощью квадратичного закона ланчестера при конфликтных ситуациях Каримов Н.М.....	38
8	Модификация ланган сименс-расмуссен тенгламаси ёрдамида оғир ионларнинг марказий тўқнашувларида пайдо бўладиган адронларнинг инвариант $p_t$ -спектрининг таҳлили. Олимов Х.К, Каноква Ш.З.....	47
9	Magnitlangan kristallarda magnitoptik faradey effekti Jurayeva N.I.....	50
10	Оценивание плотности вероятности с использованием ортонормированных функций Абдушукуров А.А, Абдулвохидов А.Л.....	54
11	Спектральная задача для уравнения четвертого порядка Жамалов Б.И.....	59
12	Об одном классе обыкновенных дифференциальных уравнений четвертого порядка в полных дифференциалах. ii. Турсунова Э.Ғ, Икрамова Н.С.....	62
13	Qattiq disklar modeli uchun davriy gibbs oʻlchovlari Umirzaqova K.O, Oʻktamaliyev I.Q.....	68
14	Каррала характеристикага эга бўлган бешинчи тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенглама учун чегаравий масала Юлбарсов Х.А.....	74
15	Талабчан олим ва мураббий Расулов Худойберди Сотиволдиевични хотирлаб ...(1960-2020).....	78
16	Определение скалярного параметра гирации и ориентации оптической оси в оптически активных кристаллах Улуханов И.Т.....	81

17	Талабаларда креатив фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш Рахимов М. С, Эшболтаев И. М, Абдулазизов Б.Т.....	84
	<b>КИМЁ ФАНЛАРИ</b>	
	<b>02.00.00 ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ</b>	
	<b>CHEMICAL SCIENCES</b>	
18	Изучение синтеза этаноламинов из оксида этилена и аммиака Эшмуратов Б.Б, Джалилов А.Т, Каримов М.У .....	90
19	Mahalliy xom-ashyolar asosida yangi samarali polimer membranalar sintezi Eshkurbonova F.B, Turaev X.X, Xolmurodova SA, Toirova G X, Eshkurbonova M.B.....	96
20	Маҳаллий хомашёлар асосида металл тутган олигомер антипирен синтез қилиш ва хоссаларини ўрганиш Нуркулов Э.Н, Бекназаров Ҳ.С, Джалилов А.Т.....	100
21	Влияние модифицированных минеральных добавок на прочностные свойства цементов Пиримов Т.Ж, Мухамедбаева М.А, Мухамедбаев А.А, Намазов Ш С Сейтназаров А.Р.....	103
22	Разработка и валидация спектрофотометрической методики анализа фрамицетина сульфата в лекарственном средстве Сманова З.А, Гаппаров Д.Д, Исакулов Ф.Б.....	110
23	Физико-химические исследования процесса получения оксида магния на основе переработки смешанных солей озера караумбет Тожиев Р.Р, Мирзакулов Х.Ч.....	119
24	Мис фталоцианин пигменти синтези ва унинг иқ-спектерининг таҳлилини ўрганиш. Файзиев Ж.Б, Бекназаров Ҳ.С, Джалилов А.Т.....	125
25	Кўп босқичли роторли диски курилмада якуний дистиляциялаш жараёнини математик моделлаштириш Ҳамдамов А.М, Игамбердиева Д А .....	129
26	Изменение фазового распределения содержания токсичных металлов в речных водах в зависимости от гидрологического режима Тиллаев Х.Р, Тураев Х.Х, Эшкурбонов Ф.Б.....	135
	<b>БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ</b>	
	<b>03.00.00 БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ</b>	
	<b>BIOLOGICAL SCIENCES</b>	
27	Влияние ультрафиолетовых лучей и электромагнитного излучения на рост, развитие и продуктивность сортов сои Сафаров К.С., Солиева Д.В., Сафаров А.К., Шадманов Р.К.....	140
28	Фарғона адир ҳудудидаги иссиқхона шароитида ўсимликларнинг илдиз бўртма нематодалари билан зарарланишини ўрганиш Тўхтасинов Ф.Р, Жуманиёзова Д.К, Мирзалиева Г.Р, Эшова Х.С.....	148
29	Samarqand viloyati yopiq suv havzalari baliqlarning tabiiy ozuqa manbalari	154

	Ashrapov A.A, Rasaxanova Y.Z, Toshpo`latov Y.Sh.....	
30	<i>Scutellaria comosa</i> juz. ( <i>lamiaceae</i> ) турининг ўзбекистон ботаник-географик районларда тарқалиши Акбарова М, Х, Батошов А.Р, Пулатов С О, Хошимов Х.Р, Юсупова З.А, Набижонова Г.Ф, Собитов О.Т.....	159
31	Ковул ( <i>sarraris spinosa</i> l) муҳим серасал ўсимлик Ҳамидов Ғ.Ҳ, Холиқулов М.Р.....	166
32	Помидор етиштиришда минерал ўғитлар меъёри ва унга қўйилган талаблар Нормуратов О.У, Зокиров Х.Х Қурбонов Ф.Ч .....	170
33	Онтогенезда органлардан митохондрияларни ажратиб олиш ва улардаги физиологик-биокимёвий ўзгаришларни аниқлаш методлари Мирзаолимов М.М., Мирзаолимов Э.И., Абдуллаев Ғ.Р, Ахмеров Р.Н., Мухтаров А.А., Абдуллаев Ш.С., Фуломов И.А.....	175
34	Термиз шароитида ўстириляётган элма заъфарон ( <i>crocus sativus</i> l.) нинг айрим биоэкологик хусусиятлари Джумаев Х.Қ, Назаралиева М.П, Халмуратов М.А.....	180
35	Фарғона водийси тош-шағалли оч тусли бўз тупроқлари шароитида <i>sarraris spinosa</i> l. нинг ценопопуляцияси ва биогеокимёвий хусусиятлари Исағалиев М, Махмудов В, Обидов М.....	184
36	Первая находка <i>helix buchi</i> в центральной азии Пазилов А, Махмуджонов З М, Умаров Ф.У.....	192
37	Доривор маврак ( <i>salvia officinalis</i> l. ) уруғқўчатларининг хом-ашёси ва ҳосилдорлигига минерал ўғитларнинг таъсири Улуғова С.Ф, Рузметов У И, Хаитов Ж.Т.....	197
38	Сурхондарё вилоятининг жанубий туманлари шароитида учровчи парранда гельминтлари Тангиров Х.Т, Файзиева Д.Б.....	201
39	Фарғона водийси чўл минтақаси қуруқлик моллюскаларининг тарқалиши ва популяциядаги зичлиги Эгамбердиев М.Х.....	206
40	О'zbekiston sharoitida ovulyatsiya qilingan karp tuxumlari o`lchamlarining xilma-xilligi Ergashev X.B, Ashrapov A A, Kamilov B.G.....	211
41	Қашқадарё вилоятининг айрим сув ҳавзаларидаги микросувўтлар Қўзибоев Х.Н, Шерқулова Ж.П, Холмурадова Т.Н, Шукуров О. Н, Мамашаева Ш. Р.....	214
42	Минерал ўғитлар меъёрларини тупроқдаги азот динамикасига таъсири. Судаймоно И.Ж. , Жўраев А.А.....	219

**TECHNICAL SCIENCES**

43	Image processing and identification of objects in vision systems Khayrullaev A.....	226
44	Front page dasturi - web-sahifa va e-darslik yaratuvchi dastur. Yunusova G,N.....	230
45	Современные глобальные экологические проблемы. Умаров К.М, Ахмаджонов А.У.....	233

**08.00.00**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ  
ЭКОНОМИЧЕСКИЕ НАУКИ  
ECONOMIC SCIENCES**

46	Мева ва сабзавотчиликда агрокластерларни ташкил этиш самарадорлиги Тажибаев К.....	239
47	Қишлоқ хўжалиги кичик бизнес субъектларида маркетинг фаолиятини ташкил этиш Сирожиддинов К Тажибаев,К .....	243

**09.00.00**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ  
ФИЛОСОФИК ИЕ НАУКИ  
PHILOSOPHICAL SCIENCES**

48	Бадоиъ-ус саноиъ” да илм масалалари ёритилиши Чубоева О.....	249
49	Ўзбекистоннинг марказий осие давлатлари билан таълим соҳасидаги ўзаро алоқалари Қамбаров А.....	254
50	Ёшларда ижтимоий фаолликни оширишнинг назарий асослари Холмирзаев Н.Н.....	261
51	Инновацион маданий алоқалар ижтимоий ривожланишнинг муҳим омили Иминов Б.Б.....	264
52	Оила мустақамлигини сақлашда илм ва ахлоқ масаласи уйғунлиги Миракбарова Д.М.....	270
53	Оммавий ахборот воситалари ва инновацион тафаккур (Ижтимоий таҳлил) Турсунова Ш.Б.....	275
54	Человечество и толерантность как духовный единства жизни молодеж Юлдашев Ф.А.....	279

**10.00.00**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ  
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ  
PHILOLOGICAL SCIENCES**

55	Типология комедийного мирообраза в творчестве н.в. гоголя Чжэн Е.В, Султанова Д.Т.....	286
56	Vuxoro tuman toponimiyasining lisoniy-etimologik tasnifi Adizova N.B.....	291

57	Таржимада радиф санъати қайта яратиш Абдуллажанов А, Мамадалиев Э .....	294
58	Неъмат Аминов ижодида ўзбек ҳажвчилиги анъаналари Ризаев Б.Х .....	299
59	Лингвокультурологическое содержание паремиологических единиц в русском и английском языках Саидова М.Ш.....	306
60	Boysun shevasi leksikasida fitonimlar yuzasidan qisqacha qaydlar Xolova M.A.....	311
61	Научно-теоретические основы использования дидактических игр и занимательных упражнений в общеобразовательной средней школе Буранова Н.Ш .....	319
62	Билишнинг метафорик ҳамда эмпирик усуллари ҳақида Махмараимова Ш.Т.....	322
63	Nemis va o'zbek tillaridagi hayvon nomlari bilan bog'liq frazeologik birliklar tahlili Ubaydullayev Sh.N, Abdug'aniyev F.F.....	328
64	Немис ва ўзбек тилларидаги рангларни ифодалаган фразеологик бирликларнинг қиёсий таҳлили Мансурова К.Х, Эргашев Я .....	332
65	Ўзбек тилидаги айрим педагогик терминларнинг лексик-семантик таҳлили Хусанхўжаев О.М .....	336
66	Развитие навыка употребления фразеологизмов в речи учащихся Мамадалиева С.Ш.....	340
67	Ёзма нутқни ривожлантиришда акт ўрни Собирова М.Ю.....	346
68	Инглиз тили лексикасини ўқитишда ўқувчилар тил тажрибасини ҳисобга олиш тамойили Ботирова З.Х .....	352
69	Бадий насрда метафора Умурқулов Б .....	355
70	Синонимларнинг лингвопоэтик имкониятлари Шукуров А.А.....	361
71	Как живёт русский язык в социальных сетях, словарь компьютерных слов при общении современной молодёжи. Дедаханова М.М.....	367
72	Termin va uning o'ziga xos lisoniy xususiyatlari Ashurov B.Sh.....	376
73	Ўзбек тилида касб-хунар номларининг аффиксал деривацияси Муҳаммадалиева М.....	380
74	“Алпомиш” достонидаги этнонимларнинг этнолингвистик ва лингвокультурологик таҳлили Юнусова Б.....	387
75	Иждокор ва санъаткор ўзбек аёллари тахаллусларининг лисоний таҳлили	

Низомова.Ш	394
76 Ўзбек тили тилшунослик атамалари тизимида метафора ва унинг амали ҳақида Эрматов И.Р	398
77 Ўзбек тилида дейксис функционал-семантик майдони талқини Давлатова Р.Ҳ	405
78 Ўзбек тилшунослигида тиббий терминологиянинг тараққиёт тенденциялари Қосимова Ф.Х	410
79 Лексиқада абстрактлашиш принциплари Ҳакимова М.К	415

13.00.00

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ  
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ  
PEDAGOGICAL SCIENCES**

80 Талабаларнинг мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантиришда интерфаол таълим технологияларидан фойдаланиш Қамбаров М.М.	422
81 It- технологиялари ёрдамида академик лицейининг ўзбек гуруҳларида рус тилида орфографик компетенцияни шакллантириш методикаси Абдуллаева С	427
82 Бошланғич синф она тили дарсларида алгоритмик машқлар орқали ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш усуллари Тўрабоева М	433
83 Педагогическое наследие и вклад мыслителей востока и центральной азии в развитии творческой способности личности Мухитдинова Ж.Р, Хайитмирзаева М.М	437
84 Yosh til o'rganuvchilarga xorijiy til o'rgatishdagi ayrim masalalar Abdullayeva N.	441
85 Milliy musiqa terminlarning leksikografik tahlili Arifova G.T.	445
86 Ўрта умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларда инглиз тили талаффузини ўргатиш хусусиятлари Ermirzayev A.V.	450
87 Педагогнинг креативлик потенциали –таълим-тарбия сифатини таъминлаш омили Рахромова Д.С	454
88 Электрон таълим ресурсларининг педагогик имкониятларидан самарали фойдаланиш Давронова Ш.Ф	457
89 Chizmachilik darslarining dolzarbligi Jumanazarova G, Ergshev.X	465
90 O'zbekiston yoshlari ongini mafkuraviy taxdidlardan himoya qilishda pedagogika fanining ahamiyati Husaynov M, Abdug'apponova L	470

91	Недостаток жира и его влияние на организм человека Муллабаева М.С, Азимова.Г.К .....	474
92	Бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлашда мультимедиа технологияси ва воситаларнинг ўрни ва имкониятлари Ҳамидов О.А .....	480
93	Бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантириш тизими Асқарова М.А .....	486
94	О`smirlarni o`zlikni anglash va o`z-o`zini boshqarishga o`rgatishning pedagogik omillari Bekmuratova D, Bekmuratova N .....	490
95	Оила ва мактаб ҳамкорлигини таъминлашнинг интегратив модели Иноқов Қ.Қ.....	497
96	Алгоритмлар назарияси фанини дастурий -методик мажмуа воситасида ўқитиш Нормуродов Ч.Б, Бабаходжаева Н.....	504
97	Постмодернизм таълимотида моде \ рн инсоннинг айрим жиҳатлари Олимова М .....	511
98	Таълимнинг узвийлиги ва уни такомиллаштиришнинг айрим масалалари Аширбоев С .....	517
99	Корейс тилининг иккинчи чет тили сифатидаги аҳамияти: наманган давлат университети тажрибаси мисолида Лутфуллаев П.М .....	522

19.00.00

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**  
**ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ**  
**PSYCHOLOGICAL SCIENCES**

100	Iqtidorli o`quvchilarni tanlashning psixologik usullari Ma`murova F.T, Abdullayeva N.X.....	527
-----	------------------------------------------------------------------------------------------------	-----